

**АМИР ТЕМУР ДАВРИДА АХБОРОТ, АЛОҚА ВА КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИ**

**Юлчиева Дилором Сайдиғаниевна**  
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи  
“Экскурсиялар” бўлими ходими

**Аннотация:** Ушбу мақолада Амир Темур даврида ахборот ва алоқа тизимини мавжуд бўлганлиги, бу соҳани ўз даврига хос ва анча пухта тартибга солганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек, давлатни самарали бошқариш, мамлакат ҳудудларини назорат қилиш, қўшинларни марказдан идора этиш, қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлашда коммуникация тизимининг аҳамияти катта бўлганлиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, ахборот, алоқа, элчилик.

**Аннотация:** В данной статье представлена информация о существовании информационно – коммуникационной системы во время правления Амира Темура, а также о том, что он организовал эту область в очень сложную систему, типичную для своего времени. В нем также подчеркивается огромное значение систем связи для эффективного управления государством, контроля над территориями страны, централизованного управления армией, а также установления и укрепления дипломатических и торговых отношений с соседними странами.

**Ключевые слова:** Амир Темур, информация, связь, посольства.

**Abstract:** This article provides information on the existence of an information and communication system during the reign of Amir Temur, as well as on the fact that this sphere was developed into a system specific to its time and highly well-organized. In addition, the importance of the state, monitoring the territories of the country, centrally administering the army, and establishing and strengthening diplomatic and trade relations with neighboring states.

**Keywords:** Amir Temur, information, communication, diplomacy.

“Коммуникациядаги энг муҳим нарса – айтилмаган хабарни билиш”.

**Питер Друкер.**

**Амир Темур** – буюк саркарда ва давлат арбоби бўлиб, ўз замонасида кучли марказлашган давлат барпо этган. У кучли салтанат барпо этишда нафақат ҳарбий қудратга, балки алоқа, ахборот ва коммуникация тизимига ҳам катта эътибор берган. Чунки, давлатни бошқариш, ҳудудларни назорат қилиш ва қўшинларни бир марказдан идора этиш учун тезкор ва ишончли ахборот алмашинуви зарур эди. Бу даврда

коммуникация тизимлари ҳозирги замонавий шаклларда бўлмаган бўлса-да, ўша давр учун анча ривожланган ва самарали ҳисобланган.

Ахборот- бу оғзаки маълумотлар, ёзма ҳужжатлар ёки деворий ёзувлар ва лавҳалар орқали тарқатилган. Оғзаки ахборот – асосий ахборот узатиш воситаси бўлиб, чопар, элчи, жарчи ва махсус хабарчилар орқали амалга оширилган. Махсус тайёрланган чопарлар давлат фармонлари, буйруқлар ва муҳим хабарларни бир вилоятдан иккинчисига тез етказган.

Ахборот алмашинувида ёзма ҳужжатлар ҳам муҳим роль ўйнаган. Ёзма ҳужжатлар – фармон, шартнома, буйруқ ва мактублар бўлиб, махсус котиблар томонидан ёзилган ва муҳр билан тасдиқланган. Бу ҳужжатлар давлат бошқарувида асосий ахборот манбаи бўлган. Ёзма манбалар орқали ахборотнинг аниқ ва ўзгармас ҳолда етказилиши таъминланган. Деворий ёзувлар ва лавҳалар – ҳукмдорнинг буйруқлари ёки ғалабалари тўғрисидаги маълумотлар жамоатчиликка етказилиши учун махсус жойларда ёзилган.

Ҳарбий соҳада алоқа тизими алоҳида аҳамиятга эга эди. Жанг вақтида буйруқлар карнай, ноғора, байроқ ва ишоралар орқали узатилган. Бу усуллар ёрдамида катта қўшин қисмларини тез ва аниқ бошқариш мумкин бўлган. Шунингдек, разведка ва ахборот йиғиш тизими ҳам ривожланган эди. Амир Темур ўз салтанатида ва қўшни ҳудудларда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун махсус хабарчиларни тайинлаган. Улар орқали сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий ҳолат ҳақида мунтазам маълумотлар келиб турган.

Бундан ташқари, оғзаки алоқа ва мажлислар ҳам муҳим ўрин тутган. Амир Темурнинг олим, амир ва саркардалар билан кенгашлар ўтказиб, муҳим масалаларни муҳокама қилиши фикр алмашинувида ва қарорларнинг пухта бўлишига хизмат қилган. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Соҳибқирон ҳақида шундай ёзади: “Ҳар бир муҳим ишни донишмандлар билан кенгашиб, тадбир билан амалга оширар эрди”. Бу фикр шуни кўрсатадики, Амир Темур қарор қабул қилишдан олдин ишончли ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилишни муҳим деб билган.

Хорижий давлатлар билан алоқа элчилар орқали амалга оширилган. Элчилар нафақат хабар етказган, балки бошқа давлатлар ҳақидаги сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий маълумотларни ҳам тўплаб келган. Бу эса Амир Темурга ташқи сиёсатда тўғри қарорлар қабул қилиш имконини берган.

Элчилар ва махсус хабарчилар хорижий давлатлар билан дипломатик ва ташқи савдо алоқаларини ўрнатишда муҳим роль ўйнаган. Улар тезкор ва ишончли ахборот етказиш учун махсус тайёргарликдан ўтказилган. Элчилар хорижий давлатларга ахборот етказишган ва шу билан бирга дипломатик алоқаларни ҳам олиб боришган.

Амир Темур давлатининг барча ҳудудларида қаттиқ интизомга бўйсундирилган аниқ ва тезкор йўл-алоқа хизмати жорий қилинган. Ахборотлар алоқа воситалари - отликлар, яъни “ёмлар” тизими орқали етказилган. Бу тизимда маълум масофаларда от алмашиш пунктлари ташкил этилган.

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундалигида шундай ёзади:

“Агар бирор сабаб билан ём отлари бўлмай қолса, у ҳолда элчи истаган йўловчининг, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Соҳибқирон ҳузурига бораётган кишилар зарур бўлганда, ҳатто шаҳзода ёки шоҳ хотинининг отини олишга ҳам ҳаққи бор экан”. Хусусан, Клавихо мамлакат ҳудудидаги йўлларда яратилган шароитни қўйидагича тасвирлайди:

“... Шоҳнинг (Амир Темурнинг) фармонида биноан Самарқандгача ҳар кунлик йўл охирида, бир жойда юз, бошқасида икки юз от тайёрлаб қўйилган эди. Агар шоҳ кимнидир бирор жойга жўнатган ёки кимдир унинг ҳузурига келаётган бўлса, мана шу отларда кеча-кундуз тез суръат билан йўл босишлари лозим эди..., фақат биз бораётган йўл эмас, шоҳ тасарруфидаги барча ерлар ана шундай алоқа воситаси билан таъминланган эди”. Келтирилган бу далил Амир Темур давлатининг ҳамма ерида ёмчилик хизмати яхши йўлга қўйилганлигини ҳамда алоқа йўллари ишончли ва хавфсиз эканлигини кўрсатади.

Амир Темур тарихда ўз даврининг моҳир дипломати сифатида ҳам чуқур из қолдирган. У буюк давлат арбоби сифатида ўз мақсадларига эришишда дипломатияни тинч йўл билан ҳарбий тадбирларни моҳирона қўшиб олиб борган.

Соҳибқирон томонидан барпо этилган буюк давлат ўша даврдан бошлаб нафақат қўшни мамлакатлар, балки узоқ юртлар ҳукмдорларини ҳам ўзига жалб этиб келган. Тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича, Европа давлатлари вакиллари Турон заминига келиб, бу ердаги янги, мустақил давлатнинг қудрати ва имкониятлари билан жиддий қизиққанлар. Амир Темур ҳам ўз навбатида, айниқса катта салтанат шакллангач, ўша даврнинг деярли барча таниқли давлатлари ва уларнинг ҳукмдорлари билан фаол дипломатик алоқалар ўрнатган, турли давлатларга ўз элчиларини юборган ва ўз давлатига ташриф буюрган элчиларни қабул қилган.

Амир Темурнинг девони, уни ўзи қаерда бўлишидан қатъи назар, забт этган ёки унга дўстона муносабатда бўлган мустақил давлатлардан келган элчилар билан тўла бўлган. Салтанат девонида махсус дипломатия бўлими тузилган бўлиб, унга ҳар тарафлама маълумотли ва бир неча тилларни яхши билган кишилар кирган. Элчиликка тайинланадиган кишилар зийрак, билимли, халқаро муносабатлар илмини пухта эгаллаган, ҳар қандай оғир вазиятдаларда тўғри тадбирлар қўллаш оладиган ва доно кишилар орасидан танлаб олиниб махсус тайёргарликдан ўтказилган. Уларга ўзини тутиш, кийим ва айтадиган гапларигача пухта ўргатилган. Алқа тавачи, Жилорти, Амир Довуд, Ёдгор Барлос, Узун Улжайту, Шамсиддин Алмолиғий, Шайх Соважий, Мухаммад ал-Кеший ва бошқаларнинг халқаро алоқаларни мувофиқлаштиришга катта хизмат қилувчи, иқтидорли, илмли ва тадбиркор элчилар сифатида манбаларда номлари қолган. Уларга бошқа мамлакатлар вакиллари билан музокара олиб бориш вазифаси юклатилган эди. Бундай дипломатик музокаралар душман билан тинчлик сулҳи тузишда ёки шартлар қўйишда самарали восита бўлиб хизмат қилган. Бу вазифаларни бажаришда Амир Темур ўзига ишончли бўлган кишилардан фойдаланган. Шу билан

бирга дипломатик музокараларда христиан дини вакиллари ҳам иштирок этишган. Улар Амир Темурга Византия империяси, Франция, Англия ва Европадаги бошқа давлатлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш ва ривожлантиришга катта ёрдам берганлар.

Амир Темур дипломатиясининг ўзига хос томонларидан бири, у ўзининг барча мурожаатларида, ҳатто қатъий талаб шаклида ёзилган номаларида ҳам, шарқ дипломатияси этикетларига риоя қилган. Бошқа давлат ҳукмдорларининг қўпол шаклда, айрим ҳолларда ниҳоятда жаҳл билан ёзилган номаларига ҳам Соҳибқирон ҳамма вақт ўз фикрларини аниқ баён қилган ҳолда сокин ва одоб билан жавоб берган. Амир Темурнинг баъзи элчилари ўз вазифаларини адо этиш асносида ўлдирилган. Лекин Амир Темурнинг ўзи доимо элчи дахлсиз эканлигини таъкидлаб келган. Шахсан ўзи “элчиларга ўлим йўқ” деган дипломатик қоидага амал қилган ва ўз қўл остидагилардан бу қоидани ҳеч қачон бузмасликларини талаб этган. Агар элчи душман тарафдан келган бўлса ҳам, у доимо уларга сарпо кийдирган.

Ўзининг дипломатик алоқалари, ҳатти-ҳаракатлари билан Амир Темур ўз давригача мавжуд бўлган дипломатия илмини умуминсоний ғоялар, юксак ахлоқий фазилатлар билан бойитди. Унинг шакли, этикаси, мазмунини гўзаллаштириб, ўз даври даражасидан юқорига олиб чиқди.

Ўрта асрларда савдо билан дипломатия уйғунлашиб кетган эди. Савдо ва дипломатия муносабатларини кенгайтириш мақсадида Амир Темур карвон йўлларини ободонлаштирди. Бу йўлларда карвонсаройлар, масжидлар, ҳаммомлар, бозорлар барпо эттирди ва энг асосийси бу йўлларнинг ҳавфсизлигини таъминлаб берди. Буюк Ипак йўлининг ёпилиб қолган карвон сўқмоқлари Амир Темур иқтидори шарофатидан қайта тикланиши туфайли Мовароуннаҳрга турли мамлакатлардан сармоя ва мол оқиб кела бошлади. Бунда, биринчи навбатда, Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Ахсиқент, Андижон ва бошқа шаҳарларидан чиққан савдогарлар фаол қатнашдилар.

Узоқ мамлакатлардан карвон йўллари бўйлаб келган савдогарлар ўзлари билан фақат молларгина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи, турмуш тарзи, одатлари ва дини ҳақида янгидан-янги хабарлар келтирардилар. Улар айна вақтда маданият тарқатувчилар ҳам эдилар, чунки қоғоз, қўлёзма китоблар олиб келишар, бошқа халқлардан эшитган афсона ва ривоятларни сўзлаб берардилар. Ўз навбатида, маҳаллий савдогарлар ҳам узоқ юртларда бўлиб, жуғрофий тасаввурларини кенгайтирар, сафардан қайтиб келиб, ўз ишлари ҳамда саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилиб берардилар ва уларни муншийлар ёзиб олишарди. Савдо алоқалари шу тариқа маданият ва адабиётнинг ривожини рағбанлантирарди. Савдо-сотикнинг жадал ривожланиши бу минтақа тараққиётини кўп жиҳатдан илдамлаштирди.

Амир Темур ўз мамлакатада ахборий тизимни ҳам яратади. Бу шакл оммавий ахборот алмашинуви эмас, балки Амир Темурнинг ўзига ахборот етказиб беришга қаратилган эди. У ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилади. Улар ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўзининг ва ёт-бегона лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида Амир Темурни хабардор қилиши зарур бўлган.

Араб тарихчиси Шихобиддин ибн Арабшоҳ (1388-1450)нинг ёзишича, Амир Темур пири Абу Бакр Тойибодийнинг “расти-русти”, яъни “ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан” ҳикматини тамғасига муҳр сифатида ўрнаштирган эди. Ибн Арабшоҳ Амир Темур шахсига баҳо берар экан, истехзо ва соҳталикини ёқтирмаслиги, масаланинг моҳиятини дарҳол пайқаш, фаросати билан ҳақгўй – ёлғончини дарров фарқлаб олишини таъкидлайди. У бирор хабар эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараб кўз ишораларини сезадиган идрокли киши эди. Бу унинг мамлакатда ахборот сиёсатини юритишида ҳам акс этар эди.

Ижтимоий адолат ва ҳақиқат қадрияти Амир Темурнинг давлат бошқарувида муҳим ўрин тутди. Тўғри сўз, ҳаққоний хабарнинг фойдаси кўплиги, ёлғон давлатни емиришини инобатга олган Амир Темур ўз тузукларида хабар берувчилар кимлиги, даъволарининг рост-ёлғонлигини маҳактошига уриб текширишни буюради. Маҳактош олтин ва кумушга сўртиб асл ёки сохталигини аниқлаб берадиган қора тусли тош бўлиб, бу ўринда кўчма маънода ишлатилган. Чунки, ҳар бир мамлакат ичида қабиҳ ниятли кимсалар давлат душманларини яхшилаб, унинг фидокорларини аксинча, турли макр-ҳийлалар билан хароб қилганлар.

“Темур тузуклари”да шундай дейилади: “Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тўғрилиқ билан менга ёзиб турсинлар. Агар ростлик билан ёзмасалар, ул хабарни ёзувчиларнинг бармоқларини кесгайлар. Ва агар ахборот ёзувчилар бир сипоҳий ишини пинҳон тутиб, бошқа тус бериб ёзса, унинг қўлини кесгайлар. Агар ёлғон хабарни тўхмат ёки бирон ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар. Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар”. Бу мамлакат ичидаги ахборот сиёсати, халқаро миқёсда ахборот олишга қаратилган ҳаракатлар қамрови анча кенг бўлганидан далолат беради.

“Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тез юрар пиёда (чопар)ни етиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кори ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик”. Бу қамров ва йўналишга кўра бугунги кундаги ахборот агентликлари ўхшаш, фарқи омма учун эмас, давлат ва ҳукмдор учун ишлайди ва ахборотни асосан оғзаки шаклда ифодалайди.

Сўз кучини англаган, барча воқеалиқдан воқиф ва огоҳ бўлишга эътибор қаратган, ҳар масалада кўпдан кенгаш сўраган, яхши ё ёмон хабарни эшитганда ҳақиқат аён бўлмагунча шошмасдан мулоҳаза билан иш тутган Амир Темур тўғрисида кишиларни қадрлайди, тўғри қаламли кишилардан ахборнавислар, воқеанавислар белгилайди, хабарчиларга ҳам ўз ҳолига қараб суюрғол ва маош белгилаган.

Амир Темур халқ ҳолидан хабардорликка, бошқа мамлакатлардаги воқеаликлардан бохабарликка катта эътибор беради. Бу бугунги замонда ҳам долзарб аҳамиятга эга. “Муҳим маълумотга эга бўлиш – ҳокимиятга эга бўлиш; кераклисини кераксизидан ажратиш янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлиш; керакли маълумотни ўз режиссурасига асосланиб тарқатиш ёки ушлаб туриш – икки карра ҳокимиятга эга бўлиш демакдир”, дейилади Германиянинг асосий политология дарсликларидан бирида.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур даврида алоқа, ахборот ва коммуникация тизими ўз даври учун жуда ривожланган ва самарали бўлган. Чопар, элчи, ёзма ҳужжат ва ҳарбий белгилар орқали тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Айнан шу тизим Соҳибқиронга улкан ҳудудларни бошқариш, тартибни сақлаш ва кучли давлат барпо этишда муҳим ёрдам берган, бу эса уни нафақат саркарда, балки доно давлат бошқарувчиси эканини яна бир бор исботлайди.

### **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати**

1. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал – мақдур фи тарихи Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). <<Ижод>> ДДК 1992 (арабчадан таржима). Т.: << Меҳнат >>, 1992.
2. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: <<Камалак>>, 1994.
3. “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзуидаги халқаро конференция тезислари. Т.: << Ўзбекистон>>, 1996.
4. Амир Темур жаҳон тарихида. Масъул муҳаррир: Р. Қосимов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов, А. Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: <<Шарқ>>, 2006.
5. Темур тузуклари. Масъул муҳаррир: Ҳ.Бобоев. Илмий муҳаррир: Қ.Ражабов. Т.: << Fan va texnologiya>> 2014.
6. Ўлжаева Ш. Амир Темур дипломатияси: илмий-оммабоп қўлланма. Т.: <<IJOD-PRESS>>, 2018.
7. Ғуломов С. Амир Темур хатлари. Т.: ЎЗР ФА <<Фан>>, 2018.
8. Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур Испания элчиси нигоҳида. Масъул муҳаррир: А.Саидов, Таржимон: У.Жўраев. Т.: “Zamin nashr”, 2019.
9. Faktchek.uz. Амир Темурнинг ахборот сиёсати.